2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 7-DEKABR, SHANBA, 147 (8228)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

# АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ – ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадрли дўстлар!

Аввало, мана шу ҳашаматли ва бетакрор бинода сиз, азизларим билан кўришганимдан хурсанд бўлганимни, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва меҳримни билдириш – мен учун катта бахт, десам, қалбимда, юрагимда бўлган гапни айтган бўламан.

Бугунги тантанали мажлисимизнинг мақсад-муддаоси – ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизнинг 21 йиллигини нишонлаш, Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларни амалга оширишда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришда эришган ютуқларимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниқлаб олишдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор.

Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида "ўзбек модели" деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделнинг мазмун-моҳияти машҳур беш тамойилда мужассам топгани барчамизга яхши маълум. Бу тамойиллар иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралиб туради.

Шулар ҳақида гапирганда, муҳим бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим.

Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи барча мисолларда тасдиқлаб бераётгани бугун ҳаммамизга аён.

Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда.

Сиёсий ислоҳотларимиз негизида турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этганимиз алоҳида эътиборга сазовордир.

Иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислоҳотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Шу борада жамиятимизни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилгани иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожи учун ғоят қулай ва устувор шароитларни яратиб берар эканмиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислоҳотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи – ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз.

Ўз-ўзидан аёнки, тобора чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар натижасида эришиладиган ўта муҳим ўзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, кимнингдир буйруғи ёки хоҳиши ҳисобидан бўлмайди. Бунинг учун албатта вақт керак, энг асосийси – бу ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсадларини жамиятимиз, халқимиз чуқур англаб олиши ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Такрор айтишга тўғри келади – фақатгина халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳар қандай ислоҳотларга куч беради.

Жамиятимизни ислоҳ қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларимизнинг маъно-моҳиятини ана шундай тушунишдан келиб чиқиб баён этилган "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун", "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган машҳур шиорлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас, албатта.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда Конституциямиз муҳрлаб қўйган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришаётган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айни шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, давлат бюджетимизнинг профицит билан, яъни ошириб бажарилиши таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи халқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмаяпти, экспорт ва олтин-валюта захираларимиз ҳажми кўпайиб бормоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобида 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳажми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади.

Буларнинг барчаси аввало иқтисодиётимиздаги ижобий таркибий ўзгаришлар натижаси, янгитдан ишга туширилган, жаҳон бозорида талаб катта бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган юзлаб, минглаб замонавий корхоналар демакдир.

Бу рақамлар аввало юзлаб, минглаб километр темир йўллар ва автомобиль йўллари, юз минглаб уй-жойлар қурилгани, инфратузилма объектлари бунёд этилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг далилидир.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди. Бунинг яққол тасдиғи – мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 1990 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига бугунги кунда 24,3 фоизни ташкил этгани, айни пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 34 фоиздан 17 фоизга камайганидир.

Биз учун мутлақо янги бўлмиш автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва дунё бозорида рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқариш бошланди ва давом этмоқда.

Ўзининг аҳамияти ва моҳиятига кўра ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳаётимиздаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, аввало одамларимизнинг дунёқараши ва кайфияти, фикру зикри, уларнинг ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати тубдан ўзгариб, юксалиб бораётгани ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз коммунистик мафкура асоратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар аввало нимани англатади?

Биринчидан. Бу амалий ишлар авваламбор мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши учун бугунги кунда барча имкониятлар яратилди, деб айтишга тўла асос беради.

(Давоми 2-, 3-саҳифаларда)











# ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.**

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаётганини таъкидлади.

Конституциямиз нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжиҳатликда, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислоҳотлар самарасида, одамларимизнинг ўзгариб бораётган онгу-тафаккурида, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, миллий давлатчилигимиз асосларининг мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг изчил ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи ортиши – буларнинг барчасида Асосий қонунимизнинг аҳамияти юксак эканлигини янада теран англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамининг яна бир муҳим жиҳати, шу куни халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинади ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2013 йил Обод турмуш йили деб эълон қилинган эди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида фуқаролик жамиятини ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилди.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, маиший шароитларини янада яхшилаш, янги уй-жойлар ва инфратузилма объектларини қуриш, маҳаллаларни обод этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, халқимиз янада тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш йўлидаги бундай ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги – 2014 йилни мамлакатимизда **"Соғлом бола йили"** деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

**ЎзА**

# ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 6 ДЕКАБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнак ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсаройда 6 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

– Авваламбор, бугун мана шу муҳташам залда сиз, азизларни Конституция куни билан табриклаб, сизларга чуқур ҳурматимни изҳор этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, янги-янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз, – деди Ислом Каримов. – Сиз, муҳтарам юртдошларимизни давлат мукофотлари билан шу байрам арафасида қутлаш, табриклаш яхши бир одатга, анъанага айланиб қолди.

Бугун мана шундай тантанали маросимда сиз, азизларга ана шу юксак мукофотларни топшириш мен учун шарафли вазифа бўлиб, сизларнинг қаторингизда ўзимга ҳам катта хурсандчилик етказмоқда, десам, кўнглимдаги гапни айтган бўламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан бирга давлат мукофотларига сазовор бўлган барча юртдошларимизни бағримга босиб, уларни ҳам чин қалбимдан табриклаш менга чуқур мамнуният етказади, деди Президентимиз.

Мамлакатимиз, эл-юртимиз олдимизда турган буюк, юксак мақсадлар сари, демократик давлат, эркин жамият, обод ҳаёт қуриш йўлида дадил қадамлар қўйиб, қўлга киритаётган ютуқ ва марралар албатта барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Жаҳон миқёсида глобал иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётганига, бу инқирознинг чуқур таъсирига қарамасдан, Ўзбекистонимиз тараққиёт йўлида дунёда камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривож топиб бораётгани бугунги кунда ўзгаларнинг ҳавасини тортмоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

(Давоми 3-саҳифада)

# АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ – ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

**(Боши 1-саҳифада)**

Иккинчидан. Биз қўлга киритган марралар мустақил ривожланишнинг ўтган даврида халқимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар сари тадрижий, босқичма-босқич ва изчил илгарилаб бориш нақадар тўғри бўлганини тасдиқламоқда.

Учинчидан. Айни вақтда биз бир ҳақиқатни яхши англаймиз: албатта, замонавий Конституцияга, унда кўрсатиб берилган мақсад-муддаоларга эришиш учун ишлаб чиқилган ажойиб Стратегияга эга бўлиш мумкин. Аммо, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз бу йўлда тоғдек таянч бўлиб турмаса, ўзингиз айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, биз мана шундай юксак марраларни қўлга кирита олармидик?

Фақат халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, одамларимизнинг беқиёс меҳнати барчамизга ҳақли равишда фахру ифтихор бағишлайдиган улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини берди.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг барчангизга, сизларнинг тимсолингизда азму шижоатли, фидойи халқимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириб, таъзим қилишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ўтган даврда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслигимиз, реал воқеликдан узилиб қолмаслигимиз зарурлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Биз бугунги дунёда эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ўсиб бораётган ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг тарзда боришимиз, ўз истиқболимизга очиқ кўз билан қараган ҳолда қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Концепция, моҳият эътиборига кўра, узоқ муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича анча ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Бундай ўзгаришларни барчамиз матбуотимизда ва телевидение орқали муҳокама қилинаётган лойиҳалар ва парламентимиз – Олий Мажлисимиз қабул қилаётган кўпгина қонунлар мисолида кўришимиз, кузатишимиз қийин эмас, албатта.

Шу борада ўтган давр мобайнида парламентимиз фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қатор тузатишлар қабул қилганимиз эътиборга сазовор, деб ўйлайман. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сиёсий фракцияларнинг роли кучайтирилгани ва бугунги кунда фракциялар (депутатлик гуруҳлари)нинг фикр ва таклифларини ҳисобга олмасдан туриб биронта ҳужжат қабул қилинмаслиги бу йўлда катта қадам бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун олдимизда турган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вазифаси ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаш, керак бўлганда, махсус қонунларни қабул қилиш лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини чуқур муҳокама қилиш ва уларни қабул қилишни тезлаштириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Шулар қаторида "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлайдиган, эркин ахборот майдонини ташкил қиладиган бошқа қонунларнинг муҳокамасини тезлаштириш ва қабул қилиш даркор.

Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Аввало, прокуратура органларининг суд ҳокимияти устидан назорат функциялари тўлиқ бекор қилинди, прокуратура ваколатларидан суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи чиқарилди. Жиноят ишини юритишда суд назоратини мустаҳкамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини такомиллаштиришда "Хабеас корпус" институти қўлланишини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари амалга оширилмоқда.

Жиноят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов хулосаларини эълон қилиш ваколатлари соқит қилинди, судгача иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига кўра, тезкор-қидирув ишларини олиб боришнинг аниқ асослари белгиланди, бу жараёнда қонунчиликка риоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маъмурий ўзбошимчаликка йўл қўймаслик бўйича реал ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилаш, шунингдек, туман ва шаҳар умумий юрисдикция судларининг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг июнь ойида қабул қилинган "Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 6 мингдан ортди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар бўйича берилаётган маблағлар миқдори сўнгги уч йилда 2 баробар кўпайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга, шунингдек, ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш жараёнига кенг жалб қилинмоқда. Концепция доирасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари, айни пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари бўйича жамоатчилик ўртасида муҳокамалар ўтказилмоқда.

Бунинг яққол тасдиғини фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қарийб бир йилдан буён ўтказилаётган ҳуқуқий тажрибада кенг иштирок этаётганида кўриш мумкин.

Шулар ҳақида ва амалга ошираётган ишларимизнинг давоми ҳақида гапирар эканмиз, яна бир муҳим масалага эътибор қаратишимиз лозим.

Ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантиқий йўли халқимиз, жамоатчилигимизнинг намояндалари бўлмиш вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришни талаб этмоқда.

Айни шу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси – Сенат ҳамда қуйи – Қонунчилик палатасининг ролини янада кенгайтириш, фақатгина қабул қилинган қонунларнинг ижросини текшириш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.Шулар қаторида Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳокимиятларининг масъулиятини ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш ва тегишли хулосалар чиқаришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, пухта ўйланган бундай ислоҳотларни давом эттириш биз кўзлаган, яъни "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш" тамойили – принципини амалга оширишда янги қадам бўлади.

Муҳтарам ватандошлар!

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур.

Бошқача қилиб айтганда, кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш – биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор.

Биз бу ўринда ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партияларни кўзда тутамиз. Сўз, аввало, ўз электоратига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў қозонган партия ҳақида бормоқда.

Ушбу масалаларнинг барчаси 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган умумхалқ сайловлари нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларни якунлаб, хулоса қилар эканмиз, Конституциямиз муқаддимасига бугун яна бир бор мурожаат қилиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу муқаддимада, жумладан, қуйидаги қоида баён қилинган: "Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади".

Мен бугун ушбу муҳташам залда тўпланган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман. Биз ўтган йиллар давомида амалга оширган барча эзгу ишларимизни давом эттириб, келгусида ҳам ўз танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз ва Конституциямизда белгилаб берилган барча олижаноб мақсад-муддаоларимизни сўзсиз амалга оширамиз.

Азиз юртдошлар!

Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ва обод қилиш борасидаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида 2013 йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз эл-юртимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Йил давомида давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиб, мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди ва айтиш мумкинки, бу кўпгина масала ва муаммоларни ечишга катта ҳисса қўшди.

Жорий йилда обод ҳаётнинг асосий шарти бўлган аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги-янги иш ўринлари яратиш, социал масалаларни ечиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттирдик.

Ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда айни ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. 2013 йилда бу соҳага ажратилган маблағлар бюджетимиз умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир.

Бугунги кунда одамларимизнинг ҳаёт даражаси қандай ўсиб бораётгани ҳақида гапирганда, яққол кўзга ташланадиган баъзи бир кўрсаткичларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Юртимиздаги ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Бу эса баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор борлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машинаси, пилесос, микротўлқинли печлар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда.

Республикамизда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19 миллион нафарни ташкил этиб, ҳар бир оилага ўртача 3 та уяли телефон тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда интернет абонентлари сони ўтган йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиб, ҳозирги пайтда 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этмоқда.

Албатта, бу рақамлар охирги йилларда аҳолимизнинг нафақат турмуш даражаси ошиб, аввало, ҳаётимиз сифати тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

2013 йилнинг ўзида қишлоқ аҳлига уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-жой қуриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортиқ, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилганини таъкидлаш зарур.

Биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудларида ташкил этилгани, энг муҳими, касб-ҳунар коллежларини битирган 500 мингдан зиёд йигит-қизларимизни ишга жойлаштирганимизнинг ўзи энг катта ютуқларимиз қаторига киради.

Яна бир устувор вазифамиз – халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва самарасини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича бажарган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Туғруқ ёшидаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилди, 195 минг нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. Жумладан, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида янги даволаш корпуси ва диагностика бўлими, болалар касалликлари санаторийси барпо этилди. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида тиббиёт бирлашмаси, Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт марказлари, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ва Қўштепа туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ўнлаб касалхоналар тубдан реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги Педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жарроҳлик корпуслари ишга туширилди.

Биргина 2013 йилнинг ўзида Республика ихтисослашган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси ва бошқа шундай шифохоналарда юрак-қон томир касалликларига чалинган 4 мингдан зиёд бемор дардига даво топди.

Наманган ва Урганч шаҳарларида эса юрак клапанларини алмаштириш, туғма ва орттирилган юрак касалликларини операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг янги усуллари йўлга қўйилди. Нукус, Қарши, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах шаҳарларида эса юрак ҳолатини узлуксиз монитор қилиб бориш амалиёти кенг ўтказилмоқда.

Шунингдек, Урганч, Нукус, Андижон, Самарқанд шаҳарларида лазер нури ва ультратовуш ёрдамида турли кўз касалликларини компьютер технологиялари асосида диагностика қилиш ва даволаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, амалда татбиқ этилаётган диагностика ва даволашнинг мутлақо янги усул ва услубларини, энг замонавий технология ва техникани ҳаётимизга жорий этаётган, беморларимизни даволашда юксак маҳорат ва жонбозлик намойиш этаётган шифокорларимизга барча-барчамизнинг номимиздан миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида анча тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устахоналар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Маълумки, шу йилдан эътиборан мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб хорижий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди. Бу эса, албатта фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эгаллаши, етук ва малакали кадрлар бўлиб етишиши учун янги имкониятлар очиб бериши билан айниқса муҳимдир.

Жорий йилда 300 мингга яқин бола, жумладан, Оролбўйи ҳудудидан 4 минг 500 нафар ўқувчи ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб 75 минг нафар боланинг ёзги оромгоҳларда имтиёзли дам олиши ташкил этилиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланди.

Йилдан-йилга кучайиб бораётган бундай амалий ишларимизнинг табиий маҳсули ва натижасини юртдошларимиз, авваламбор, жондан азиз фарзандларимизнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида кўришимиз мумкин.

Бу борада баъзи бир мисолларга тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллагани ҳаммамизга мамнуният етказади.

Ақл-заковат мусобақаси бўлмиш шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига эришган 8 яшар Нодирбек Абдусатторовни оласизми ёки 5 яшар – эътибор беринг, 5 яшар – жажжи ўғлонимиз Исломбек Синдоровнинг Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганини оласизми, қани айтинг, азиз дўстлар, бундай ютуқлар билан фахрланмасдан, ғурурланмасдан бўладими?

Мана, яқинда Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида яна бир моҳир спортчимиз – Руслан Нурудинов спортнинг энг мураккаб тури бўлган оғир атлетика бўйича кескин беллашувларда ғолибликни қўлга киритди. Хабарингиз бор, бу паҳлавон йигит "Ўзбекистон ифтихори" деган юксак унвон билан тақдирланди.

Ватанимизнинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган, сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай фарзандларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, ҳар қанча эъзозласак, арзийди, албатта.

"Обод турмуш йили" деб ном олган йилда қилган катта ишларимиз қаторида янги уй-жойлар барпо этиш алоҳида ўрин тутади.

Бу ҳақда гапирганда, 147 та туманда 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилгани ва бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилганини таъкидлаш керак.

Бизнинг бу ишларимиз нафақат ён-атрофимизда, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида айни шу масала бўйича, шунингдек, ноябрь ойида қуёш энергиясидан фойдаланишга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этган дунёдаги етакчи мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари ана шундай уй-жойлар, инфратузилма объектлари билан танишиб, бу ишларга юқори баҳо берганидан хабарингиз бор, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай гўзал ва шинам уй-жойларни бунёд этаётган қурувчиларимизга, бизни бу масалада қўллаб-қувватлаб келаётган Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия институтларига халқимиз номидан ҳар қанча миннатдорлик билдирсак айни муддао бўлур эди.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги вақтда бутун Ўзбекистонимиз, таъбир жоиз бўлса, улкан қурилиш майдонига айланган. Хусусан, вилоятлар марказларини бош режа асосида ривожлантириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мисол тариқасида 2013 йилнинг ўзида биргина Урганч шаҳрида 344 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилганини айтиш ўринлидир. Ана шундай катта ҳажмдаги ишлар Қарши, Фарғона, Наманган, Нукус, Жиззах, Шаҳрисабз, Гулистон ва бошқа шаҳарларда, юртимизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам давом эттирилмоқда.

Яна бир муҳим вазифамиз – аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини оладиган бўлсак, жорий йилда 213 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 минг 850 километрга яқин сув тармоғи тортилиб, 1 миллион 370 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Шу билан бирга, Андижон, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон шаҳарларида айни шу мақсадда 96 миллион доллар қийматидаги 8 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу эса 365 минг аҳоли учун ичимлик суви таъминотини, шунингдек, оқова сув тармоқларини яхшилаш имконини беради.

Йил давомида автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар бажарилди.

Ўзбек миллий автомагистралининг 530 километрлик қисмида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳоли пунктларини боғлайдиган 890 километрдан зиёд ички йўллар ва 200 километрдан ортиқ шаҳар ва посёлка кўчалари таъмирланди.

Кейинги вақтда мамлакатимизда кенг ва равон йўллар қуриш билан бир қаторда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Азим пойтахтимиз Тошкентда ва бошқа шаҳарларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилган, кўзни қувонтирадиган автобуслар ва енгил машиналар билан бирга, энг замонавий "Мерседес" автобуслари қатнаётганини, кўча ва майдонларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган бундай манзарани кўриб, ҳар қандай одам таъсирланмасдан қолмайди, десам, муболаға бўлмайди.

Шу ўринда бир рақамга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман. Айни зикр этилган тадбирларнинг барчасини амалга ошириш учун ички инвестициялар билан бирга Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислом тараққиёт банкининг 3 миллиард доллардан ортиқ маблағини йўналтирганимизнинг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Дастур доирасида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган маҳаллани обод қилиш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўзини ўзи бошқариш тизими янада такомиллаштирилди, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилди.

Аввало, ана шу мақсадда иккита муҳим қонун қабул қилинди. Жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририда ушбу тузилма фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича унинг ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди.

Хабарингиз бор, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда. Бу сайловнинг айни шу борада янги таҳрирда қабул қилинган қонун асосида ўтказилаётгани айниқса эътиборлидир.

Жорий йилда маҳаллалар ҳудудида янги гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллар ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамизга аёнки, обод турмушни ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлмиш муҳтарама аёлларимизнинг оила ва жамиятдаги фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз одатда опа-сингилларимизнинг турли соҳалар ривожига қўшаётган катта ҳиссасини тан олиш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини ошириш, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий нуфузини кўтариш, оғирини енгил қилиш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин мен бу масаланинг бошқа томонига эътибор беришни истардим.

Қачон оила бахтли бўлади? Қачонки, аёл бахтли бўлса.

Қачон аёл бахтли бўлади? Авваламбор, унинг болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлса.

Қачон аёл ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса.

Оилавий турмушда, бир қараганда, кўзга ташланмайдиган, лекин шундай муҳим юмушлар борки – бу кир ювиш ёки овқат пишириш бўладими, бола тарбияси бўладими, умуман, уйни саранжом-сариштa тутиш бўладими – бундай рўзғор ташвишларини фақат аёл зоти бажара олади.

Ҳаммамиз яхши биламиз, ҳаёт ташвишсиз бўлмайди, лекин шу ташвишлар камроқ бўлса, енгилроқ бўлса, ана шунда аёл ҳаётдан рози бўлади.

Биз иқтисодиётимиз бақувват бўлиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласига тобора катта эътибор бермоқдамиз. Жумладан, жорий йилда ҳам бу йўлда кўпгина ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимиз корхоналари томонидан 310 мингга яқин ошхона ва уй-рўзғор ашёлари ишлаб чиқарилиб, 130 миллион сўмлик ана шундай буюмлар эҳтиёжманд оилаларга бепул тарқатилгани бунга мисол бўла олади.

Айни вақтда маҳаллалар, турар-жой мавзеларида янги-янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ёпадиган, кондитер маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, бозорчалар ва савдо дўконлари, болалар майдончалари, оилавий дам олиш масканлари, гўзаллик салонлари барпо этилди.

Опа-сингилларимизга қулай шароит яратишга қаратилган бундай ишларимизни келгусида албатта давом эттирамиз ва бунинг учун маблағ ҳам, имконият ҳам топамиз.

Бунинг яққол тасдиғи сифатида аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан 117 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилганини айтиш зарур. Бу эса ўз навбатида қанча-қанча хотин-қизларга ўз ишини очиб, оиласи, эл-юртимиз учун фойда келтириш, ҳаётдан ўз ўрнини топиш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Муҳтарам дўстлар!

"Обод турмуш йили"да бажарган ишларимиз ҳақида албатта узоқ гапириш мумкин. Мен бу ўринда диққат-эътиборингизни фақатгина битта кўрсаткичга қаратишни лозим, деб ҳисоблайман.

**(Давоми 3-саҳифада)**

# АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ – ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

**(Боши 1-, 2-саҳифаларда)**

Дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширган ишларимизнинг ҳажми ва кўлами қанчалар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларига, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, бизга кўмак берган хорижий ва халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакилларига, шу эзгу йўлда сидқидилдан хизмат қилган барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2014 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб, фикрлашиб олишимиз керак.

Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш – ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзуси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она – соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг кўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олингани сизларга яхши маълум.

Айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги – 2014 йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилишни таклиф этаман.

Қадрли юртдошлар!

Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин улар орасида шундай ўта муҳим, ҳал қилувчи мезонлар борки, бу ҳақда алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан.

Биринчидан, соғлом бола – аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир.

Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Табиийки, соғлом боланинг туғилиши биринчи навбатда онанинг соғлиғига боғлиқ. Бўлғуси она илоҳий неъмат бўлмиш дилбандини тўққиз ой мобайнида ўз бағрида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтиради. Ана шу жараёнда аёл қандай кунларни, қандай руҳий ҳолатни бошидан кечирса, бу албатта она вужуди орқали ҳомилага таъсир ўтказади.

Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш – эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарликни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз даркор.

Бундан хулоса шуки, "Соғлом бола йили" давлат дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътиборимиз марказига қўйилиши зарур.

Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти катта экани ҳаммамизга яхши аён.

Дастурда оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасалари – бу скрининг ва перинатал марказлари бўладими, аёллар тиббий консультациялари, туғруқхона комплекслари бўладими, гинекология ва патронаж хизматлари, қишлоқ врачлик пунктлари бўладими – уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларимизни кучайтириш ўз ифодасини топиши керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, ҳомиладор аёллар ва гўдакларнинг ўз вақтида ва сифатли овқатланиши, улар учун махсус поливитаминлар, зарур микроэлементлар билан бойитилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, болаларни доимий тиббий кўрикдан ўтказиш, турли касалликлардан асраб-авайлаш каби тадбирларнинг самарасини янада ошириш лозим.

Барчамиз яхши тушунамизки, соғлом фарзандни тарбиялашда аҳоли, айниқса, ота-оналарнинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли дастурни шакллантиришда тиббий маданиятни оширишга қаратилган кенг кўламли тушунтириш ишларига алоҳида ўрин бериш айни муддао бўлади.

Маълумки, мамлакатимизда бўлғуси келин-куёвларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби жорий этилган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад соғлом оила қуриш, соғлом болани дунёга келтириш билан боғлиқ. Лекин, афсуски, инсоннинг ҳаёти, туғилажак фарзанднинг тақдирига бевосита дахлдор бу масалага баъзан масъулиятсизлик билан қараш, сохта ва юзаки хулосалар чиқариш, тиббий маълумотномаларни сотиб олиш каби ҳолатлар учраб туриши барчамизни ташвишга солиши зарур. Айни шу масалалар учун, умуман, болаларнинг соғлом, бенуқсон бўлиб туғилиши учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини, керак бўлса, жавобгарлигини ошириш вақти келди, деб ўйлайман.

Учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим.

Дастурда мактабгача таълим муассасалари тизимини кенгайтириш, уларни замонавий жиҳозлаш, юқори малакали педагог ва мураббийлар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлашнинг сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр – бу бошланғич синф давридир. Ҳаммамиз биламизки, собиқ тузум шароитида бу масалага, афсуски, етарлича аҳамият берилмас эди. Қуйи синфларда дарс бериш асосан ўрта махсус маълумотга эга бўлган муаллимларга топшириб қўйилган эди.

Бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам берилди ва бу вазифани бугунги кунда олий маълумотли, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар бажармоқда.

Қабул қилинадиган дастурда бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши керак.

Айни пайтда, "Соғлом бола йили"нинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизда, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб, амалга оширишимиз лозим.

Тўртинчидан, ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт.

Шу мақсадда бу масалага дахлдор ва мутасадди бўлган қайси соҳа, қайси жараённи олмайлик, уларнинг барчасини ривожлантириш, янги, замонавий босқичга кўтаришда давлатнинг роли катта экани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, "Соғлом бола йили" дастури таркибида аввало йиллик режаларни белгилаб олиб, турли соҳа ва тармоқлар, айниқса, ижтимоий соҳаларга тааллуқли масалаларни ечиш учун ажратиладиган маблағ бўладими, бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилаётган шароитларни туғдириб бериш бўладими – буларнинг барчасига эътиборни янада кучайтиришимиз зарурлиги ўз-ўзидан равшан, албатта.

Шу билан бирга, бу масала бўйича жаҳон миқёсидаги илғор, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва юртимизда жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бешинчидан, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Халқимизнинг "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" деган мақолида албатта чуқур маъно мужассам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулияти янада ортади.

Айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянамиз.

Ўғил-қизларимизни турли тўгаракларга жалб этиш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўз ҳудудида тадбиркорликни ривожлантириш ва яна бошқа масалалар бўйича маҳалла фаолиятини кучайтириш, уларга янги ваколат ва имкониятлар бериш лозим.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида баён этилган барча устувор вазифаларни амалга ошириш учун мавжуд норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш талаб этилади.

Қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

"Соғлом бола йили"нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз ўртасида кенг тарқалган "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур" деган ҳикматли иборани яна бир бор эсга олишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бизнинг мана шу қисқа – йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни қуришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил – бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шу ҳақиқатни эл-юртимиз чуқур англаб, юрагидан, қалбидан ўтказиб, кенг қўллаб-қувватлаётгани бугунги кунда ўз ҳосили ва натижасини бераётгани ва буни бутун дунё тан олаётгани, бизга ҳавас билан қараётгани ҳеч кимга сир эмас.

Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз.

Мен ишонаман – бугун сизлар билан бирга белгилаб олган, "Соғлом бола йили" дастури деган ном билан амалга ошириладиган барча режа ва вазифаларимиз ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Сиз, азизларимни Конституция байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

# ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Биз қўлга киритаётган ютуқлар, аввалambор, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар ва дадил қадамлар билан ўсиб бораётгани натижасини ҳар қадамда халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб, юртимиз қиёфаси, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганида кузатиш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Бундай туб ўзгаришларни турли-турли соҳаларда – бу қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва транспорт бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илму фан, маданият ва спорт соҳалари бўладими, бизнес соҳасими, сизлар меҳнат қилаётган барча тармоқларда, ҳаётимизнинг ҳар қайси бўғинида кўриш мумкин.

Шу билан бирга, ҳеч кимга сир эмас, бундай ривож топиш, тараққиёт йўлида жадал илгарилаб бориш учун аввалambор қанча-қанча оғир меҳнат қилиш, қанча синовлардан ўтиш, керак бўлса, қанча-қанча ақл-заковат, мардлик ва матонат, ҳар биримизнинг ўз жойимизда бизга топширилган вазифани сидқидилдан адо этишимиз талаб қилинади, десам, бу фикрга сизлар албатта қўшиласиз, деди давлатимиз раҳбари.

Бу масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, биз қўлга киритаётган марраларнинг асосий мезони ва омили – бу биринчи навбатда одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқараши, кайфияти ўзгараётгани, ким учун, нима учун меҳнат қилаётганини чуқур англаб бораётгани, сиёсий ва ижтимоий савияси ошиб бораётганининг натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун биз сизларнинг тимсолингизда минг-минглаб меҳнатчиларимизни – миришкор деҳқон ва фермерларимиз, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва муҳандисларимиз, меҳрибон устоз-мураббийлар ва домлалар, жонкуяр шифокорларимиз, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларидаги ютуқлари билан Ватанимизни дунёга танитаётган инсонларнинг энг муносиб намояндаларини кўрамиз.

Булар қаторида халқимизнинг тинч меҳнатини, осойишта ҳаётини кўз қорачиғидек асрашга бел боғлаган, Ватан ҳимоясини ўзи учун касб деб биладиган мард ва жасур ўғлонларимизнинг номини алоҳида эҳтиром этамиз, юксак қадрлаймиз.

Сўнгра Президентимиз Ислом Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

– Бугун мен сизларнинг очиқ чеҳрангиз, бахтиёр кўзларингизни, сизлардаги баланд руҳни кўриб, очиғини айтсам, гўёки ўзим ҳам мукофот олгандек хурсанд бўлиб турибман, – деди Президентимиз. – Менинг ниятим, тилагим битта: кўксингизга ярашиб турган бу мукофотлар барчангизга буюрсин, сизларни янги-янги зафарларга руҳлантирсин. Ҳалол меҳнат билан мана шундай юксак қадр топиш, элу юртимиз ардоғида бўлиш барчамизга насиб этсин. Ватанимизни, халқимизни доимо Яратганнинг ўзи асрасин! Барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга ривож, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Тақдирланганлар юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирдилар.

**ЎзА**

Сирдарё Вилояти

**Сирдарё вилоятида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг қўшма сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятда амалга оширилаётган озиқ-овқат дастури ижроси, қиш-баҳор мавсумига озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.**

## ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳномолигида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сирдарё вилоятида бу борада 2013 йилнинг ўтган даврида 158 лойиҳа амалга оширилди.

Таъкидланишича, вилоятда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, амалиётга жорий этилган лойиҳалар доирасида 3 минг 710 бош қорамол, 238 минг парранда, 715 асалари уяси сотиб олинди. 240 гектар майдонда балиқчилик ҳавзалари ташкил этилди.

Вилоят аҳолисини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят таъминот ва тайёрлов корхоналари ҳамда ташкилотларига 341 миллион сўм кредит ажратилди. Айни пайтда озиқ-овқат захирасини яратиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Йиғилишда озиқ-овқат дастури ижроси, 2013-2014 йиллар қиш-баҳор мавсумига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Сессияда Сирдарё вилояти ҳокими О.Ашурматов сўзга чиқди.

**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲАЛОЛ ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

**Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида Президентимиз Ислом Каримов фармонларига мувофиқ мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фидойи ва ташаббускор юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги арафасида мазкур мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирга шаҳар фаоллари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, қурилиш, транспорт, саноат, ободонлаштириш соҳаси вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари таклиф этилди.

Тошкент шаҳрининг сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётимиздаги, давлат бошқаруви, иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Мамлакатимиз тарихига Обод турмуш йили сифатида муҳрланаётган 2013 йилда пойтахтимизда ҳам кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маърифий, ижтимоий объектлар, спорт иншоотлари, таълим муассасалари, гузарлар барпо этилди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Юртбошимиз ташаббуси билан кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳримиз тарихий марказларидан бўлмиш Ҳадра майдони янада кўркам қиёфа касб этди. Навоий кўчасидаги автотранспорт воситаларининг тирбандлигига барҳам берилди. Кўркам болалар майдончаси, ям-яшил майсазорлар, дов-дарахтларга бурканган файзли хиёбон барпо этилди. Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, дам олиши учун имкониятларини янада кенгайтириш, Ҳадра майдонида мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда улкан фаввора бунёд этилди. Бу йўналишдаги кенг кўламли эзгу саъй-ҳаракатлар самарасида, Тошкент дунёнинг экологик жиҳатдан тоза ва қулай бўлган шаҳарларидан бири сифатида эътироф этилди.

Иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар Ватанимиз салоҳиятининг тобора юксалиши, кўплаб янги иш ўринларининг барпо этиш, халқимиз ҳаёт фаровонлигининг муттасил юксалиб бораётганида асосий омил бўлмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи импорт ўрнини босувчи бир неча турдаги эҳтиёт қисмларнинг корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилиши, мамлакатимиз машинасозлик саноатини янада равнақ топтиришда муҳим ўрин эгаллади.

Тадбирда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медаллар тантанали тарзда топширилди.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳномолигида мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ўзини ўз бошқаришнинг ноёб тизими – маҳаллаларнинг ваколат ва имкониятларини тобора кенгайтириш, уларнинг мавқеини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Учтепа туманидаги "Журжоний" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Бахтинур Саидов. – Бундай ғамхўрлик ва эътибор юртимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини, фуқаролараро тотувлик, ҳамжиҳатликни асраб-авайлаш, ёшлар тарбияси йўлида доим масъулият ва огоҳликни ҳис этиш, ҳамиша ижтимоий фаол бўлиб меҳнат қилишга ундайди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

* * *

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъаналаримизнинг бардавомлигини таъминлаш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга ёт бўлган зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Бугунги мураккаб ва шиддатли замон адабиёт, санъат, маънавият ва маърифат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт соҳаси фидойилари зиммасига ёшларни "оммавий маданият" таъсири ва ёт ғоявий хуружлардан ҳимоялаш борасида кўплаб масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Мамлакатимизда ижодкор зиёлилар, ҳаётини илм-фанга бағишлаган олимлар, маданият ва санъат намояндалари, жонкуяр мураббийлар, спортчиларимиз машаққатли меҳнатини эъзозлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янгидан-янги зафарлар сари руҳлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши замирида ҳам айни мақсадлар мужассамдир.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали тадбирга ёзувчи ва шоирлар, олимлар, тадқиқотчилар, режиссёрлар, актёрлар, мусаввирлар, санъаткорлар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тантанали тадбирда миллий маданият ва санъатимиз, оммавий ахборот воситалари ривожи давлатимизнинг доимий эътиборида экани алоҳида таъкидланди. Юртимизда жаҳон андозалари даражасидаги санъат саройлари, маърифат масканлари, театрлар, кўргазма заллари, болалар ижодиёти учун кўркам бинолар барпо этилаётгани, мамлакат ва халқаро миқёсда турли ижодий лойиҳалар, фестиваллар, кўрик-танловлар муваффақиятли ўтказилаётгани бунинг далилидир.

– Президентимизнинг театрларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимлари меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид ғамхўрлигини ўз фаолиятимиз, кундалик ижодимизда ҳис этиб яшаймиз, – дейди Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри актёри, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Одинахон Нарзуллаева. – Бу биз, санъат аҳлини ёшлар тарбияси йўлидаги масъулиятни доимо ҳис этишга, янада фидойилик билан меҳнат қилишга даъват этади.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар ҳалол ва фидокорона меҳнатни эъзозлаш борасида кўрсатаётган улкан эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, вазирлик ва идоралар, ташкилотларда ҳам бўлиб ўтди.

**ЎзА**

Самарқанд Вилояти

## ҚИШЛОҚДА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

**Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги арафасида Пайарик тумани тиббиёт бирлашмасининг янги биноси капитал реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди.**

Туман тиббиёт бирлашмасида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида туғуруқ мажмуаси, ички касалликлар, болалар, жарроҳлик, шошилинч тез тиббий ёрдам ва анатомия бўлимлари, шунингдек, дорихона ва ёрдамчи хўжаликларни ўз ичига олган марказ яратилди.

Ушбу туманда ўтган йили 250 ўринли кўп тармоқли марказий поликлиника ҳам ишга туширилган эди. Натижада туман аҳолисига ўз саломатлигини кўрикдан ўтказиш ва замонавий тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш учун барча шарт-шароит яратилди.

Шунингдек, Жомбой туманида ҳам қисқа фурсатда туман тиббиёт бирлашмаси капитал таъмирдан чиқарилди. Бу ерда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари натижасида замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган 110 ўринли туғуруқ, олтмиш олти ўринли жарроҳлик, 40 ўринли болалар ва ўттиз ўринли тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари туман аҳли хизматига топширилди.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# КОНСТИТУЦИЯ – ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, ОБОД ТУРМУШИМИЗ КАФОЛАТИДИР

**Мамлакатимизда инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётнинг янада обод бўлиши учун амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини ҳаммамиз кўриб турибмиз, ҳаётимизда ҳис этяпмиз. Буларнинг туб моҳиятида Конституциямиз берган имкониятлар бор. Асосий Қонунимиз фаровон ва обод ҳаётимизнинг кафолати бўлиб келмоқда. Тарихан қисқа даврда эришган ютуқларимизни тасаввур этсак, кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик, деган саволни ўзимизга берсак, сирасини айтганда, кечаги турмушимиз билан бугунги ҳаётимизни муқояса қилсак, буни янада ёрқинроқ англаймиз. Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 21 йиллиги арафасида мухбирларимиз айрим ҳамюртларимизнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.**



**Йўлдошбек ЁДГОРОВ, Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Ҳисорак" қишлоқ врачлик пункти мудири:**

– Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

Бу ҳақда сўз борар экан, қишлоқ жойларда амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш орқали мамлакатимиз тиббиёти қанчалик юксалганини кўрамиз. Ўтган даврда жойларда умумий амалиёт врачи ва оилавий тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш тамойиллари асосида қишлоқ аҳолисига сифатли дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди, уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор Ўзбекистонда фуқароларнинг Конституциямизнинг 40-моддасида мустаҳкамланган малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи таъминланаётганидан далолат беради.

**Гулжамол МУҲАНОВА, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани бўлинмаси раиси:**

– Фуқаролик жамияти – ҳуқуқий давлатнинг негизи, асосий заминидир. Фақат кенг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлган, шу жамият, шу юрт тараққиётига камарбаста бўлиш, оиласини, маҳалласини, Ватанини обод этиш истаги билан яшаётган инсонгина фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Фуқаролик институтлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Бугун биз Конституциямизнинг 105-моддасига мувофиқ, муҳим жараён фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига раислар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашни амалга оширмоқдамиз. Уларда аҳолининг фаоллик билан иштирок этаётгани эса жамият равнақида, турмушимизда йиғинларнинг нуфузи ошаётганининг белгисидир.

**Норбой ЖЎРАЕВ, Қашқадарё вилояти Туркман миллий маданий маркази раҳбари:**

– Ватанимиз Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқда, мамлакатимиз ва халқимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон – умумий уйимиз ва кўп миллатли халқимизнинг Ватанидир. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 8-моддасида Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, дейилган.

Миллий маданий марказимиз ўзбек ва туркман халқлари азалий дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Бу марказимиз томонидан ташкил этилаётган учрашув, давра суҳбатлари ҳамда тантанали тадбирларда ўз аксини топмоқда.

Вилоятда туркман миллатига мансуб аҳоли орасида вилоят, туман, ташкилот, муассаса, корхона раҳбарлари, олимлар, зиёлилар, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётганлар, маданият, санъат ходимлари кўп. Уларнинг барчаси Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилаётир.

Буларнинг барчаси Конституциямизнинг 4-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишининг ёрқин далилидир.

**Умида ИБРАГИМОВА, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

– Мамлакатимизда барча соҳаларда, жумладан, таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Асосий Қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Шу маънода, 21 йил илгари қабул қилинган Конституциямиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда муҳим ҳуқуқий асосдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади", деб қайд этилгани мамлакатимизда навқирон авлод вакилларининг замонавий талаблар даражасида таълим-тарбия олиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилганидан далолатдир.

Муқаддас юртимиз истиқболини таъминлашга қаратилган бу каби ютуқларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш Конституциямиз мазмун-моҳиятини ёшларга янада чуқурроқ тушунтириш орқали уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш биз педагогларнинг масъулиятли вазифамиздир.

Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод сифатида камол топишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Маъмура ЁҚУБОВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети магистранти, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:**

– Мен мустақиллик тенгдошиман. Бу фахрни қалбан ҳис қилган ҳолда шуни айта оламанки, мустақиллик берган неъматларнинг ҳар бири қадрли ва жон қадар азиз. Бахтимиз қомуси бўлган Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги арафасида яна шуни айта оламанки, бугунги доруламон кунларимизнинг пойдевори ҳам ана шу муҳим ҳужжатдир.

Биз, ўзбекистонлик ёшлар Конституциямиздан миннатдормиз. Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, фаровонлик ва тараққиётга дунё аҳли ҳавас билан қарайди. Мана шундай имкониятлардан фойдаланиб, нуфузли олий ўқув юртига ўқишга кирдим, журналистика соҳасида таълим олаяпман. Асосий Қонуннинг 29-моддасида мустаҳкамланган фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги жамиятимизни демократлаштиришнинг асосий шартларидан биридир. Конституциянинг оммавий ахборот воситалари эркинлигини ва цензурага йўл қўйилмаслигини кафолатлайдиган 67-моддаси биз, журналистлар учун айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

**Файзулла МАДРАҲИМОВ, Андижон вилояти Улуғнор туманидаги тадбиркор:**

Иқтисодий тараққиёт ҳар қайси мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яшаётган халқнинг фаровонлиги ва осойишталигини таъминлайдиган асосий омиллардан саналади. Бу фикрни жамиятнинг бир бўлаги бўлган оила мисолида давом эттириш мумкин. Оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик учун барча шароитлар яратилмоқда, қулайлик ва имтиёзлар берилмоқда.

Шу ўринда бу Конституциямиз берган имконият дейишимиз мумкин. Зеро, олдинлари оилада тадбиркорлик билан шуғулланиб бўлармиди? Йўқ, албатта! Шўро замонида маълум сондан ортиқча мол боққан ёки томорқасидан даромад топишга ҳаракат қилган кишилар қаттиқ қоралланганини ҳаммамиз яхши биламиз. Оила даромадини юксалтириш, барқарорлигини таъминлашни Мустақиллигимиз, Конституциямиз берди.

Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, мавжуд имконият ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда жорий йил бошида "Сарвар сут гўшт савдо харид" хусусий корхонасини ташкил этдик. Бу билан оиламизнинг 7 нафар аъзоси иш билан таъминланди.

Айни вақтда оилавий корхонамизда замонавий технология ёрдамида сут қайта ишланмоқда. Тайёр творог, сметана, қатиқ, қуйилтирилган сут, музқаймоқ каби етти турдаги маҳсулот хуштаъмлиги билан харидорларга манзур бўлаётир.

**Улуғбек ҚОЗИХОНОВ, Фарғона вилояти Риштон туманидаги "Гулобод юрт" фермер хўжалиги раҳбари:**

– Конституциямизда тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш белгиланган бугун эришаётган ютуқларимизнинг негизи бўлмоқда.

Айни шу жиҳат жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган мулкдорлар синфини шакллантириш имконини берди.

Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, соҳада кучли ҳуқуқий асос яратилиши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, фермерларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини таъминлади.

Айни пайтда фермер хўжаликлари қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишда, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда.

*Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Республика маънавият тарғибот маркази томонидан жойларда маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.*

## ТАРАҚҚИЁТ ВА БУНЁДКОРЛИК АСОСИ

Уларда Ўзбекистонда истиқлол йилларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотларни ҳамда Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини чуқур таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Республика маънавият тарғибот марказида ўтказилган "Конституция — демократик ва халқчил қомус" мавзуидаги услубий семинар ҳам ана шундай тадбирлар жумласидандир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари аъзолари иштирок этган ушбу тадбирда Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

Амалий семинар доирасида Республика маънавият тарғибот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда Президентимиз Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган "Конституциямиз — буюк ҳаёт қомусимиз" мавзуидаги маънавий-маърифий шиор ва даъватлар юзасидан тавсиялар, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида тарғиботчилар учун тузилган "Демократик ва халқчил қомус" номли электрон қўлланма тақдимоти ҳам ўтказилди.

**Саид ИСЛОМОВ**

Эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2014 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ – 20:**

**Лот 20-1. «Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Боғиафзал» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 530 ўқувчи ўринли 16-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 270 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 925 000 000 сўм, ҚҚСсиз 770 833 300 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 20-2. «Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 640 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 675 000 000 сўм, ҚҚСсиз 562 500 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**ЛОТ – 21:**

**Лот 21-1. «Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 1176 ўқувчи ўринли 32-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 865 000 000 сўм, ҚҚСсиз 720 833 300 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 21-2. «Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 720 ўқувчи ўринли 3-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 760 000 000 сўм, ҚҚСсиз 633 333 300 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**ЛОТ – 22:**

**«Бухоро шаҳридаги 100 шифо ўринли вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини реконструкция қилиш (II-этап)».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 2 390 000 000 сўм, ҚҚСсиз 1 991 666 600 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 декабрь.

**ЛОТ – 23:**

**«Бухоро шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини реконструкция қилиш (II-этап). Бухоро шаҳрида қабул қилиш бўлими билан сменада 250 қатновга мўлжалланган маслаҳат-ташхис поликлиникаси қурилиши ва 100 шифо ўринли 2-сонли мавжуд жарроҳлик блокини реконструкция қилиш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 4 700 000 000 сўм, ҚҚСсиз 3 916 666 600 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 декабрь.

**ЛОТ – 24:**

**«Бухоро шаҳридаги 125 шифо ўринли вилоят онкология диспансерини 90 қатновли поликлиникаси билан реконструкция қилиш (II-этап)».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 3 620 000 000 сўм, ҚҚСсиз 3 016 666 600 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 декабрь.

**ЛОТ – 25:**

**«Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Дарғали» ҚФЙ ҳудудида 150 ўқувчи ўринли 16-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши (II-тип)».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 2 730 000 000 сўм, ҚҚСсиз 2 275 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 сентябрь.

**Қурилиш ишлари** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.*

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказиг**а қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

## «EKSPRESS INFORM SAVDO» РИЭЛТОРЛИК АГЕНТЛИГИ

СИЗЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ўзбекситон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 4 декабрдаги 179/ас-ер сонли буйруғига асосан 2014 йил 13 январь куни соат 10:00 да Наманган шаҳар Навоий кўчаси 10-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

Наманган вилояти Чортоқ тумани «Мучум» ҚФЙ ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири сатҳи 0,04 гектардан бўлган 3 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 342 000 (Уч юз қирқ икки минг) сўм. Закалат пули 200 000 (Икки юз минг) сўмдан.

Ер майдонлари ва бино иншоотлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, канализация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасинииг бошқа ўзига хос шартлари каби қўшимча маълумотлар учун Наманган шаҳар Навоий кўчаси 10-уй (Мўлжал: Ўзагросуғурта Наманган филиали биноси ёнида)га мурожаат қилишингиз мумкин. Телефон: (8-369) 227-20-23.

2014 йил 13 январь кунги очиқ аукцион савдоларида сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 2014 йил 20, 27 январь ва 2014 йил 3 февраль кунлари соат 10:00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун закалат пулини «EIS» МЧЖнинг «ЎзСаноатҚурилишбанк» Наманган филиалидаги, МФО 00224, СТИР 302118546, ҳ/р 20208000204940071001 ҳисобрақамига тўлашлари шарт: Телефон (8-369) 227-20-23, 227-14-62.

***Лицензия RR-0086***

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## УПРАВЛЕНИЯ ЮСТИЦИИ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТАМ ЛОТ 1-2:

**Подлот 1-1: «Строительство нотариальной конторы по улице «Бегимкулова» г «Дустобод» в Куйичирчикском районе Ташкентской области».**

Стартовая стоимость с НДС – **265 678 042 сум.**

Стартовая стоимость без НДС – **221 514 085 сум.**

Срок строительства – **120 дней.**

**Подлот 1-2: «Капитальный ремонт здания ЗАГСа Аккурганского района Ташкентской области».**

Стартовая стоимость с НДС – 231 491 776 сум.

Стартовая стоимость без НДС – 192 909 813 сум.

Срок капитального ремонта – **60 дней.**

**Финансирование проекта будет осуществляться за счет** собственных средств.

*ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счёт средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.*

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик:** Управления Юстиции Ташкентской области.

**Адрес заказчика:** г.Ташкент, ул. Ш.Руставелли, дом 93.

**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, ул. Ш.Руставелли, дом 93.

Вскрытия оферт состоится по истечении 30 дней после публикации объявления.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот №31-1. «Қарши шаҳар А.Темур кўчасидаги сув тармоқларини реконструкция қилиш (Д-400 мм.)».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 1.488.018.440 сўм, ҚҚСсиз – 1.240.015.367 сўм, **қурилиш муддати** – 8 ой.

**Лот №31-2. «Қарши шаҳар Заҳокимарон маҳалласидаги сизот сувларини камайтириш учун тик дренаж қурилиши».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 143.486.256 сўм, ҚҚСсиз – 119.571.880 сўм, **қурилиш муддати** – 5 ой.

**Лот №31-3. «Қарши шаҳар Араловул маҳалласидаги сизот сувларини камайтириш учун тик дренаж қурилиши».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 152.406.160 сўм, ҚҚСсиз – 127.005.133 сўм, **қурилиш муддати** – 5 ой.

**Лот №32-1. «Қарши шаҳар Ўзбекистон кўчаси Левобережной каналидаги насос станцияси қурилиши».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 263.347.080 сўм, ҚҚСсиз – 219.455.900 сўм, **қурилиш муддати** – 5 ой.

**Лот №32-2. «Қарши шаҳар Махтумқули маҳалласидаги сизот сувларни камайтириш учун тик дренаж қурилиши».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 209.944.451 сўм, ҚҚСсиз – 174.953.709 сўм, **қурилиш муддати** – 4 ой.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Лот №33-1. «Қарши шаҳар А.Темур кўчасидаги 0,5 м3/с қувватли каналнi реконструкция қилиш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** буйича ҚҚС билан бирга – 864.293.568 сўм, ҚҚСсиз – 720.244.640 сўм, **қурилиш муддати** – 12 ой.

**Лот №33-2. «Қарши шаҳар Ўзбекистон кўчаси бўйлаб Левобережной каналининг чап томонидан Ёшлик кўлигача Д-25 мм.ли труба ётқизиш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 273.500.594 сўм, ҚҚСсиз – 227.917.162 сўм, **қурилиш муддати** – 4 ой.

**Лот №33-3. «Қарши шаҳар Шайхали маҳалласидаги сув тармоқларини реконструкция қилиш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 631.399.903 сўм, ҚҚСсиз – 526.166.586 сўм, **қурилиш муддати** – 6 ой.

**Лот №33-4. «Қарши шаҳар №65, 38, 41, 36-қудуқлардан Махтумқули кўчасигача бўлган сизот сувларини йиғувчи иншоотни капитал таъмирлаш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 379.897.723 сўм, ҚҚСсиз – 316.581.436 сўм, **қурилиш муддати** – 5 ой.

**Лот №33-5. Қарши шаҳар Навоий кўчаси бўйлаб босимсиз сизот сувларини қочирувчи иншоотни капитал таъмирлашгача бўлган сизот сувларини йиғувчи иншоотни капитал таъмирлаш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 153.680.758 сўм, ҚҚСсиз – 128.067.298 сўм, **қурилиш муддати** – 4 ой.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Лот №16-1. «Яккабоғ туманидаги 69-сонли мактабни (210 ўқувчи ўринли ўқув блоки ва 9х18 м. ўлчамли спорт зали қурилиши билан) капитал реконструкция қилиш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 887.296.924 сўм, ҚҚСсиз – 739.414.103 сўм, **қурилиш муддати** – 8 ой.

**Лот №16-2. «Ғузор туманидаги 580 ўқувчи ўринли 54-сонли мактабни (360 ўқувчи ўринли ўқув блоки, шу жумладан, филиали учун 60 ўқувчи ўринли ўқув блоки қурилиши билан) капитал реконструкция қилиш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 1.165.935.000 сўм, ҚҚСсиз – 971.612.500 сўм, **қурилиш муддати** – 8 ой.

**Лот №22-1**. **«Китоб туманидаги 12-сонли мактабни капитал таъмирлаш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 541.317.996 сўм, ҚҚСсиз – 451.098.330сўм, **қурилиш муддати** – 6,5 ой.

**Лот №22-2**. **«Муборак туманидаги 2-сонли мактабни капитал таъмирлаш»**.

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 906.286.087 сўм, ҚҚСсиз – 755.238.406 сўм, **қурилиш муддати** – 8 ой.

**Лот №22-3**. **«Муборак туманидаги 8-сонли мактабни капитал таъмирлаш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 460.405.092 сўм, ҚҚСсиз – 383.670.910 сўм, **қурилиш муддати** – 5 ой.

**Лот №24-1. «Касби туманидаги 750 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалиги йўналишидаги КҲКни капитал таъмирлаш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 738.287.474 сўм, ҚҚСсиз – 615.239.562 сўм, **қурилиш муддати** – 8 ой.

**Лот №24-2. «Қарши шаҳридаги 600 ўқувчи ўринли маданият КҲКни капитал таъмирлаш».**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 760.681.801 сўм, ҚҚСсиз – 633.901.501 сўм, **қурилиш муддати** – 8 ой.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича:**

*- бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдолари кичик бизнес корхона ва ташкилотлари ўртасида ўтказилади;*

*- бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдоларида офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади;*

*- капитал таъмирланадиган объектлар танлов савдоларида кичик бизнес субъектлари квотаси 100%ни ташкил қилади.*

**Буюртмачи**: Қашқадарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

**Манзили**: Қарши шаҳри "Ўзбекистон овози" газетаси кўчаси 3-уй. Тел. (8-375) 227-18-51, 227-13-51.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **«Даварxитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши шаҳар Хонобод шоссеси кўчаси 46А-уй, Телефон/Факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 90 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда "Ўзбекистон овози" газетаси кўчаси 3-уйда ўтказилади.

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА !

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ 5-5:**

**Лот-5-1: "Қашқадарё вилояти Косон, Ғузор ва Миришкор туманларида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш".**

Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи **4 533 291 178 сўм (ҚҚСсиз),** ишларнинг тугалланиш муддати **20 ой.**

**Лот-5-2: "Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги "Қиллисой" туманлараро коллектори тизимини реконструкция қилиш ва қуриш".**

Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи **455 388 665 сўм (ҚҚСсиз),** ишларнинг тугалланиш муддати **11 ой.**

**Лот-5-3: "Жиззах вилояти туманларида кузатув тармоқларини қуриш (208 дона)".**

Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи **394 185 280 сўм (ҚҚСсиз),** ишларнинг тугалланиш муддати **24 ой.**

**Лот-5-4: "Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги "ВКУЗ-5" хўжаликлараро коллекторининг "Пахтакор" канали тагидан ўтувчи дюкерини реконструкция қилиш".**

Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи **279 360 153 сўм (ҚҚСсиз),** ишларнинг тугалланиш муддати **4 ой.**

**Лот-5-5: "Бухоро вилояти туманларида кузатув тармоқларини қуриш (150 дона)".**

Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи **196 153 625 сўм (ҚҚСсиз),** ишларнинг тугалланиш муддати **24 ой.**

*Диққат! Қиймати 500 миллион сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

Қурилиш ишларини молиялаштириш **Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй, 308-311 хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уйда ўтказилади.

2013 йил 29 ноябрда "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 144 (8225)-сонининг 4-бетида чоп этилган "Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти" томонидан ўтказилаётган танлов савдолари ҳақидига эълонга қўшимча: **"Диққат! Қиймати 500 000 000,0 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади".**

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2014 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ № 2:**

**Лот № 2-1: "Жиззах вилояти Зомин туманидаги 4-сонли тип II болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши".**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 2 224,983 млн. сўм, ҚҚС билан 2 669,980 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 сентябргача.

**Лот № 2-2: "Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги 19-сонли тип II болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши".**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 2 094,089 млн. сўм, ҚҚС билан 2 512,907 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 сентябргача.

**ЛОТ № 3:**

**Лот № 3-1: Жиззах вилояти Зомин туманидаги 56-сонли мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 368,35 млн. сўм, ҚҚС билан 442,02 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 августгача.

**Лот № 3-2: Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 2-сонли мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 357,733 млн. сўм, ҚҚС билан 429,279 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 августгача.

**Лот № 3-3: Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 27-сонли мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 372,391 млн. сўм, ҚҚС билан 446,869 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 августгача.

**Лот № 3-4: Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ётоқхонаси биносини капитал таъмирлаш.**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 450,008 млн. сўм, ҚҚС билан 540,009 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 августгача.

**ЛОТ № 4:**

**Лот № 4-1: Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 240 ўқувчи ўринли 63-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш: 240 ўқувчи ўринли ўқув блоки ва 9х18м спорт зали қурилиши.**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 983,144 млн. сўм, ҚҚС билан 1 179,773 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 августгача.

**Лот № 4-2: Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 320 ўқувчи ўринли 7-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш.**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 518,254 млн. сўм, ҚҚС билан 621,904 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 августгача.

**Лот № 4-3: Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 240 ўқувчи ўринли 31-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш.**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 597,757 млн. сўм, ҚҚС билан 717,309 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 августгача.

**Лот № 4-4: Жиззах вилояти Зомин туманидаги тиббиёт соҳасидаги касб-ҳунар коллежи биносини капитал таъмирлаш.**

**Бошланғич қиймати** ҚҚСсиз 609,406 млн. сўм, ҚҚС билан 731,287 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** 2014 йил 1 августгача.

**Ишларни молиялаштириш:** "Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш" ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачининг манзили:** Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 100-уй. Телефон: (8372) 222-46-40, 222-26-41.

*Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устунлик берилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ташкил қилади.*

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи 70 минг сўмдан 150 минг сўмгача.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах ш. Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 100-уй.

# «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

## ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2014 йил 7 январь куни соат 10:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Бунёдкор кўчаси 1а-уйда жойлашган **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти**га қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 2005 й. и/ч "Дамас" русумли, д/р 01 165 LCA, бошланғич баҳоси 14 774 000 сўм; 1996 й. и/ч "Принц 921" русумли, д/р 01 531 BCA, бошланғич баҳоси 5 129 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари 2013 йил 7 январь кунида сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йил 14 ва 21 январь ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг ОАТ «Турон банк» Ҳамза филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Истиқбол кўчаси 15-уй. Мурожаат учун тел: 236-74-67, Факс: 236-26-65.

***Гувоҳнома № 004059***

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан жисмоний шахс Икромов Фарход Бахритдинович номига Ҳамза т. Авиасозлар кўч. 4-даҳа 1-а уй манзилида жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси учун 13.05.2013 й.да берилган № 2383-сонли (форма 18) маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ЯТТ "ПУЛАТОВ КАМОЛИТДИН КОБИЛЖОНОВИЧ" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный кассовый аппарат "Меркурий-115 Ф" (заводской № 474413, рег. № 5757) и кассовая книга зарегистрированные Чиланзарским ГНИ на имя ЧП "Хамраев Аброр Акрамович", считать недействительным.

ООО "KOREA TRADE CONSULTING" (ИНН 302405023) зарегистрированное ИРСП хокимията Юкоричирчикского р-на Ташкентской обл. (№ 3747, 18.10.2012 г.) расположенное по адресу: Юкоричирчикский р-н поселок Янгибазар ул. Хакикат-4 ликвидируется (в соответствии с решением учредителя от 04.12.2013 г.). по всем вопросам обращаться по вышеуказанному адресу.

ООО "UF Tour Service" объявляет об уменьшении Уставного фонда с 24 100 000 сум до 19 280 000 сум.

ООО "BEST PROJEKT SERVIS" (ИНН 205785099) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр № 002265-04, 18.03.2011 г.) расположенное по адресу: Оккургон 31 а, 48-49-50, ликвидируется (протокол № 4, решение учредителя № 4). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления.

Тошкент ш. Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК томонидан Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Чарх Новза кўч. 19-уй ёнидаги савдо дўкони учун "BOBUR VA QOBUL SAVDO" МЧЖ номига берилган кадастр ҳужжатлари (кадастр гувономаси ТА 0901154/ 8331-19) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# АГРОТЕХНИКА



- Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
- Боғ ва ферма учун тракторлар
- Гусеницали тракторлар
- Прессподборшик
- Ғўзапоя ўрадиган комбайн
- Ўт ўрадиган комбайн
- Макка ўрадиган комбайн
- Жўхори йиғувчи комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Буғдой экадиган сеялка
- Пахта экадиган сеялка
- Дори сепадиган мосламалар
- Сачратиб суғорувчи мосламалар
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- Чизель, борона
- Экскаватор погрузчик, бульдозер
- Траншеекопатель, ямобур

(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz

SN INVEST Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

Уйчи тумани фермерлар кенгаши "Бояғон боғи эрам" фермер хўжалиги раҳбари Маматвали Каримов ва иш юритувчиси Абдумалик Каримовларга волидаи муҳтарамаси

**ШАРОФАТХОН ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

# ИК ПО КС ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

ПО ОБЪЕКТУ: **«Строительство детской школы музыки и искусств на 150 учащихся в ССГ «Янгийул» на территории ММТП Хатырчинского района Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 2 430 548 367 сум, с НДС 2 916 658 040 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **10 месяцев.**

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств фонда развития детского спорта.**

*(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)*

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям:** оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Жиззах Вилояти

«НИҲОЛ» МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

# Қалби тўла қўшиқ қиз

**Жиззах давлат педагогика институтининг Маданият саройининг томоша зали ҳам, саҳнаси ҳам жуда кенг. Зал томошабинсиз бўлишига қарамай, Зулхумор саҳнадаги стулда ўтириб, дутор чертганича қўшиқ куйларди. Қўшиқ унчалик баланд овозда ижро этилмаётган бўлса-да, саройнинг бўшлиги, деворлари ва шифтининг юксаклигиданми, ижрочининг наздида зал қўшиққа тўлиб кетгандек, гўё. Зулхуморнинг завқи ошиб, жўшқин овоз билан куйлашда давом этди.**



«Ниҳол» мукофоти совриндори Зулхумор Мамарасулзода устози Қаҳрамон Бобоқулов билан янги қўшиқ устида ишламоқда.

У ўз овози ва қўшиғи сеҳрига шу қадар берилиб кетган эдики, устозлари Раҳматулла Саримсоқов, Ҳасан Омонов, Нозбуви Бойчаева ва Навбаҳор Ҳайдароваларнинг залга кириб келишганини ҳам, кириш эшиги ёнида туриб, уни тинглашаётганини ҳам сезмади. Шу тариқа у “Фарғонача Эшвой”ни айтиб тугатди. Бир неча дақиқа тин олгач, “Адол тановари” учун дутор созлай бошлаган эди, устозларининг жўрликда қарсак уришгани хаёлини бўлди.

— Ўзимиз ҳам сени шу ердан топармиз деб ўйлагандиг-а, — деди Навбаҳорхон шериклари билан саҳна сари юраркан. — Биламиз, қош қораймай, ётоққа кетадиган одатинг йўқ. Дарсларингни тайёрлаб бўлишинг биланоқ дилкаш дуторингни олиб, янги қўшиқлар машқ қилиш учун хилват хона излайсан. Мажлис ё бошқа бирор тадбир бўлмаган куни ушбу зални эгаллайсан. Лекин институт ҳовлисида ҳар кун-кунора машқларингдан завқланадиган талаба мухлисларинг ётоқхона деразалари олдида туриб, бир кўзи китобдаю бир кўзи ҳовлида сени кутишяпти, Зулхумор!

Устозлари уни ортиқча хижолат қилмаслик учун дарров мақсадга ўтишди.

— Халқимизнинг севимли санъаткори Таваккал Қодиров ижро этган “Шунчамиди”ни қайта тикласакмикан, деб дискка ёзилган нусхаси ва шеър матнини келтирган эдик. Бир уриниб кўрсанг-чи?!

— Вой, бу қўшиқни ёддан биламан! — деб юборди қувонганидан Зулхумор ва дуторини баланд пардаларда сайратганича, қўшиқ ижросини бошлади.

***Дилбарим, лаъли лабинг***
***лаълмиди, ғунчамиди,***
***Қирмизи ранг юзларинг***
***ё ширмойи кулчамиди?***
***Тоб беролмай, лол қолурман***
***шаҳлоларинг олдида,***
***Кўзларингнинг шуъласи***
***ловуллаган кунчамиди?..***

Устозлари аввалига бир-бирига имо қилганича, кўрсаткич бармоқларини лабларига тик босишди-ю, ижро авж олгани сайин бармоқларини олишни ҳам унутиб, сеҳрлангандай туриб қолишди. Қўшиқ эса мисрадан-мисрага кучаяр, устозлар қалбини жунбушга келтирарди.

— Бало экансан, қойил! — дея беихтиёр кучди қўшиқ тугагач, уни Нозбуви Бойчаева. — Гўё, мусиқаси ҳам, шеъри ҳам сен учун ёзилгандай. Агар Таваккал ака тирик бўлганида, эшитиб роса суюнарди. Ҳали сайқаллаб, янада зўр маҳорат билан куйлайсан.

— Раҳмат, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, — деди камтарлик билан Зулхумор.

— Ишонамиз. Негаки, шу пайтгача ҳам доимо ишончимизни оқлаб келгансан, — деди Навбаҳор Ҳайдарова. — Майли, вақтингни олмай, биз борайлик. Сенга муваффақият тилаймиз!

Шогирд ва устозлар самимий хайрлашишди. Зулхуморнинг бу ташрифдан юраги алланечук бўлиб, қалбида номларини ўзи ҳам билмаётган ёқимли ҳислар пўртана қила бошлади. Тилида эса, “Ишонч масъулияти”, деган калима чарх уриб, бир неча дақиқа шу ҳақда хаёлга толди.

Дарвоқе, ишонч ҳақида. Унга ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ биринчи бўлиб муаллимлари ишонишганди. “Сен санъаткор бўласан” дейишганди. Негаки, “Она” деб аталган биринчи қўшиғининг премьераси мактабда бўлган, шу қўшиғи билан муаллимлари ишончини қозониб, оқ фотиҳаларидан сўнг Жиззах шаҳридаги санъат коллежининг анъанавий хонандалик бўлимига ўқишга кирган эди.

— Зулхумор Мамарасулзода биринчи босқичдаёқ ярқ этиб кўзга ташланган эди, — дейди коллеж ўқитувчиси Анвар Бердиқулов. — Аввалига қўшиқчиликнинг турли жанрларида куйлаб юрди, кейинчалик, дутор чалишни ўргангач, бирданига мумтоз қўшиқчиликка ўтиб кетди. Мумтоз қўшиқларни шундай чиройли, шундай жозибали ижро этадики, уларни тинглаб, шогирдимизнинг истиқбол сари бораётганини тушунган эдик. Унинг ўша пайтларида ижро этган қўшиқлари — “Токай”, “Адол тановари”, “Феруз” ва бошқалар бизнинг қулоқларимизда ҳамон акс-садо бериб туради. Зулхумор қалби қўшиққа тўла қиз.

Ҳа, устоз тўғри айтди. Қалби тўла қўшиқлигидан унинг ижрочилик репертуарида ўттизга яқин ажойиб қўшиқлари бор.

Зулхумор Мамарасулзода 2011 йили коллежни битказгач, Жиззах давлат педагогика институтининг мусиқий таълим йўналиши бўлимига ўқишга кирди. Ҳозирги пайтда ушбу институтнинг учинчи босқичида аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, катта санъат сари изланувчанлик ва ижодкорлик билан дадил одимлаётир. Ана шу изланиш ва интилишлари туфайли бу йил «Ниҳол — 2013» республика кўрик-танловининг мумтоз қўшиқ йўналиши ғолиби бўлди.

— Бу ютуққа эришишимда “Ниҳол”, “Санъатим — саодатим”, “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Келажак овози” республика танловларида қатнашганим катта ёрдам берди, — дейди Зулхумор Мамарасулзода. — Менимча, ҳар бир иқтидор соҳиби шу каби танловларда қатнашиб, имкониятларини беллашувларда синаб кўриши керак. Бу каби танловлар ёшларни чиниқтириб, тажрибаси ва ўзига бўлган ишончини ортишига хизмат қилади.

— Шунингдек, устозларингизнинг умид ва ишончларини оқлаш имконини ҳам беради, — деймиз унга.

— Ҳа! Лекин мен ҳали уларнинг ишончларини оқлаш учун кўп меҳнат қилишим керак. Айниқса, мумтоз қўшиқлар ижрочилигини давом эттириб, ҳар бир қўшиқни маромига етказиб куйлашим, унутилаётган қўшиқларни қайта тиклаш билан бирга, ўз қўшиқларимни яратишим лозим. Тўғри, ҳозирча 12 та шундай қўшиқ яратдим. Лекин булар орзумдаги қўшиқларнинг илк дебочаси, холос.

Биламан, ҳали кўп ўқишим ва изланишим, катта санъат сари тинмай интилишим керак. Шу мақсадда, келажакда Тошкент давлат консерваториясида магистратурада ўқиш, ижрочилик ва ижодкорлик сирларини мукаммал эгаллаб, мумтоз қўшиқчилик бўйича дунё саҳналарида куйлаш, миллий қадрият ва анъаналаримизни бор овозда тараннум этиш орзуларим бор.

Халқимизда “Орзу — қушдир, ирода — мадад” деган доно нақл бор. Зулхуморнинг ушбу “қуш”ни қувиб етишга иродаси етади. Ҳали кўрасиз, санъат боғида эндигина бўй кўрсата бошлаган митти “Ниҳол” камол топиб, бу боғнинг маҳобат ва тароватини оширади.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

*Юртимизда “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда. Соҳа ходимлари аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш, ёнғин оқибатида юзага келадиган кўнгилсизликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.*

## ЭҲТИЁТКОРЛИК ДОИМО КЕРАК

Айниқса, кундалик турмушимизда арзимас бўлиб кўринган очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиётсизлик қилиш, қўлбола электр ва газ асбобларидан фойдаланиш, белгиланмаган жойларда чекиш кабиларнинг салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Айтиш жоизки, ушбу ойликда кенг жамоатчилик фаол иштирок этса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу билан ҳар биримиз нафақат содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олган, балки ўзимиз ва атрофдагиларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

**Элмурод СУЛАЙМОНОВ,**
**12-ҲЁХО инспектори,**
**кичик сержант.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси мамлакатимиз аҳолисини
*Конституциямизнинг 21 йиллиги* билан табриклайди!

Сизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва хотиржамлик, Юртимиз равнақи йўлидаги хизматларингизда улкан зафарлар тилайди!



Доим Сиз билан бирга!

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

*Сизларни Конституция куни байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:*

«КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.




*Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.*
*Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:*
*120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.*

| ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳри филиали | (371) 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | (369) 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | (371) 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | (436) 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 | Зарафшон филиали | (436) 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | (371) 221-80-67 | Бухоро вилояти филиали | (365) 223-71-94 |
| Сирғали филиали | (371) 258-67-49 | Бухоро шаҳри филиали | (365) 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | (366) 231-08-86 |
| Андижон вилояти филиали | (374) 224-40-96 | Афросиёб филиали | (366) 221-77-56 |
| Асака филиали | (374) 233-13-69 | Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | (374) 226-97-53 | Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | (373) 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-59 |
| Марғилон филиали | (373) 237-12-37 | Хоразм вилояти филиали | (362) 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | (373) 432-10-11 | Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| Қўқон филиали | (373) 552-61-04 | Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«АСАКА» БАНК – САРМОЯНГИЗНИ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1214, ҳажми 3 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.35
15198 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5